

## **YUTONG ZK 6126 BEVG РУСУМЛИ ЭЛЕКТРОБУСНИНГ ИКТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

*PhD., доц. Ш. У. Ишмуродов*

*Магистрант Ш.З. Мирзаев*

*Тошкент Давлат Техника Университети*

Юртимизда жамоат транспорти соҳасини ривожлантириш учун куплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда бир неча йил олдин Хитойдан Тошкентга YUTONG ZK 6126 BEVG русумли электробуслар олиб келинди ва бирнечта автобус маршрутларига жамоат фойдаланиши учун йўлга қўйилди. Ушбу электробусларни эксплуатация қилиш натижасида нафакат экологик тарафдан балки иқтисодий тарафдан ҳам яхши натижалар олинди. Эксперимент ўтказишда YUTONG ZK 6126 BEVG электробусининг иқтисодий тарафдан самарадорлигини аниқлаш учун уни метан газида ҳаракатланувчи YUTONG ZK 6126 HG русумли автобуси билан таққосланди ва қуйдаги натижалар олинди. Экспериментни Тошкент шаҳрининг 100 рақамли автобус маршрути йуналишида ҳаракатланувчи YUTONG ZK 6126 BEVG электробуси билан ўтказилдик. 100% заряд билан йўлга чиққан автобус нормал об-ҳаво шароитида 12та рейс амалга ошириб 214 км йўл босиб ўтди ва бунинг учун электробуснинг 53% зарядини сарфлади. Кишининг совук кунларида эса кондиционер ва бошқа қурилмаларидан қўп фойдаланилганлиги сабабли, ушбу электробус шу масофани босиб ўтиш учун 79% заряд сарфлади. Шу экспериментни метан газида ҳаракатланувчи YUTONG ZK 6126 HG русумли автобуси билан ўтказилди ва қуйдаги натижалар олинди. Шу автобус 214 км босиб ўтиш учун нормал шароитда 102 куб метр метан гази сарфлади, Кишининг совук кунларида эса шу масофани 117 куб метр метан гази сарфлади. Хулоса қилиб айтишга бўлсаки электробуслар бошқа ёқилғи турида ҳаракатланувчи автобусларга қараганда иқтисодий жиҳатдан анча самарадорлироқ

эканлигини куришимиз мумкин. Ушбу эксперимент натижасига кўра YUTONG ZK 6126 BEVG русумли электробус нормал шароитда 214 км масофани босиб ўтиш учун 233 000 сум, совук шароитда эса 347 000 сум микдордаги пул сарфланмоқда. Метан газида харакатланувчи YUTONG ZK 6126 HG русумли автобуси эса 214км йўл учун нормал шароитда 423 000 сум, совук шароитда эса 472 000 сум микдордаги пул сарфланмоқда.